

Амаллар фақат ниятларга кўрадир

16:26 / 21.09.2017 3268

Амирул мўминин Абу Ҳафс Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни: **“Амаллар фақат ниятларга кўрадир. Ҳар кимга ният қилганигина бўлади. Кимнинг ҳижрати Аллоҳ ва расули учун бўлса, Аллоҳ ва расулига бўлади. Кимнинг ҳижрати эришадиган дунёси учун ёки никоҳлаб оладиган аёли учун бўлса, демак, унинг ҳижрати ўша ҳижрат қилган нарсаси учундир”**, деганларини эшитдим».

Бу ҳадисни муҳаддислар имоми Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ибн Иброҳим ибн Муғйира ибн Бардизба Жўъфий ал-Бухорий ва Абул Ҳусайн Муслим ибн Ҳажжож ибн Муслим ал-Қушайрий ан-Найсобурийлар (Аллоҳ улардан рози бўлсин) унинг саҳиҳлигига иттифоқ қилиб, тасниф этилган китобларнинг энг саҳиҳи бўлмиш икки саҳиҳ китобларида ривоят қилишди.

Шарҳ: Ушбу ҳадис "ишлар мақсадларга қараб белгиланади", деб айтилган улкан фикҳий қоида устига бино қилингандир.

Хаттобий: "Бу ҳадис дин усулларининг энг буюк усулларидадир. Бунинг остига кўплаб ҳукмлар киради. Маъноси шуки, дин ҳаққидаги амаллар ҳукмининг саҳиҳлиги ният билан амалга ошади. Ниятлар дуруст нарса билан нодуруст ўртасидаги ажрим қилувчи нарсадир", деганлар.